

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:

БУРХОНОВА ШАХНОЗА БОТИР ҚИЗИ

БОЗОР МЕХАНИЗМИНИНГ МАЗМУНИ, УНИНГ
ТАРКИБИ ВА ҚОНУНЛАРНИ АМАЛГА
ОШИРИШДАГИ РОЛИ

5A230101- Иқтисодий назария
мутахассислиги бўйича

магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
и.ф.д. доц. Абдуллаев С.А.

Тошкент – 2019

Диссертация ишининг асосий мақсади бозор механизмининг амал қилиш ва иқтисодий қонунларни амалга оширишда бозор механизмларининг ролини кўрсатиб беришга қаратилган. Унда бозор механизмлари: талаб, таклиф, рақобат ва нархларнинг амал қилиши орқали бошқа иқтисодий қонунларнинг ишлаш механизмларини таъминлайди. Замонавий бозор муносабатлари шароитида талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, турли даражадаги рақобат, нарх шаклланишининг бозор механизми, иқтисодий эркинлаштириш, истиқболни белгилаш, дастурлаштириш каби муносабатларни ўз ичига қамраб олади.

The main purpose of the dissertation is to demonstrate the role of market mechanisms in implementing the market mechanism and implementation of economic laws. It provides market mechanisms: mechanisms of execution of other economic laws by means of demand, supply, competition and pricing. In the context of modern market relations, it involves the organization of production and service taking into account supply and demand, competitiveness at different levels, market mechanism of price formation, economic liberalization, prospects definition and programming.

Магистрлик диссертация иши — Иқтисодиёт назарияси кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

3 сонли баённома « 29 » май 2019 й.

Илмий раҳбар:	<u>Шарф. Абдуллаев С.А.</u>	<u>Шарф</u>	<u>22.05.19</u>
	Ф.И.Ш.	имзо	сана
Такризчи:	<u>И. Ҳ. Ҳ. Проф. А. Ҳ. Рахмонов</u>	<u>Рахмонов</u>	<u>22.05.19</u>
	Ф.И.Ш.	имзо	сана
Магистр:	<u>Вигаретова Меҳноҳа Ҳолматовна</u>	<u>Меҳноҳа</u>	<u>22.05.19</u>
	Ф.И.Ш.	имзо	сана

РЕЖА

КИРИШ	3
I БОБ. БОЗОР МЕХАНИЗМИНИНГ МАЗМУНИ, УНИНГ ТАРКИБИ АМАЛ ҚИЛИШ ШАКЛЛАРИ	7
1.1. Бозорнинг вужудга келиши жиҳатидан назарий асослари ва уларнинг аҳамияти	7
1.2. Бозор механизмлари ва уларнинг бозор иқтисодиётида амал қилиш дастаклари	11
1.3. Бозор механизмлари қонунларининг амал қилиши ва иқтисодий ривожланишдаги ўрни	16
1-боб бўйича хулосалар	25
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МЕХАНИЗМИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ВА ҚОНУНЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ РОЛИ	27
2.1. Иқтисодий мувозанатликни таъминлашда бозор механизмларининг амал қилиш ҳолати таҳлили	27
2.2. Ўзбекистонда бозор механизмини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар	33
2.3. Жаҳон бозорида иқтисодий қонунларнинг амал қилиш механизми	42
2-боб бўйича хулосалар	47
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ ТАРКИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСИДА ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	48
3.1. Иқтисодий қонунларнинг самарали амал қилишида бозор механизмларини кучайтириш йўналишлари	48
3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янада ривожлантириш орқали бозор механизмлари қонунларининг амал қилишини такомиллаштириш	58
3-боб бўйича хулосалар	69
Хулоса ва таклифлар	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	73

КИРИШ

Иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик, «марказ»дан туриб мутлақ режалаштириш ўрнига ҳаётимизга замонавий бозор муносабатларини, яъни талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш, турли даражадаги рақобат, нарх шаклланишининг бозор механизми, иқтисодий эркинлаштириш, истиқболни белгилаш, дастурлаштириш каби муносабатлар кириб келди. Турли мулк шакллари ўртасида рақобат муҳити шакллантирилди, уларнинг иқтисодий, ҳуқуқий асослари яратилди, хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес жадал суръатлар билан ривожлана бошлади.

Мустақил тараққиётимизнинг босиб ўтган йўлига назар ташлар эканмиз миллий хўжалигимиз иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, инқироз ҳолатидан чиқарилганлиги, кўпгина соҳаларда барқарор ўсишга эришилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бозор механизмнинг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари вужудга келтирилди, ҳозирги кунда эса иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни ҳар тарафлама эркинлаштириш амалга оширилмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, “банк ва молия тизимида ислохотларни жадал давом эттириш, соҳага замонавий бозор механизмларини кенг жорий этиш зарур”¹.

Бозор механизми амал қилишининг кучайиши иқтисодиёт тармоқларида маҳсулотга талаб муаммосини келтириб чиқарди. Инвестицион ва истеъмол талабига эга тармоқлар: машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари саноати, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари рақобатбардошликнинг тушиб кетиш муаммосига билан учради.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бозор механизмларининг иқтисодий мазмуни ва амал қилиш хусусиятлари билан боғлиқ масалаларга иқтисодчиларидан П.Т.Самуэльсон Ж.М.Кейнс, С.Р.Брю, К.Р.Макконелл,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.